

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Гуломова Гулсанам Одилжон қизи**

Фаргона вилояти Бешариқ тумани

1-умумий ўрта таълим мактаби

Информатика фани ўқитувчisi

E-mail: [gulsanamgulomova683@gmail.com](mailto:gulsanamgulomova683@gmail.com)

**Аннотация:** Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатлар ахборот технологияларини ривожлантириш йўллари, Актини шакллантиришда педагогиканинг ўрни.

**Калит сўзлар:** электрон воситалар, моделлаштириш, компьютер ўкув дастурларига қизиқтириш йўллари,компьютер ўйинлари .Масофавий таълим.ZOOM астури

Ҳозирги вақтда ахборот ва ахборот технологиялари соҳасидан ташқарида мавжудликни тасаввур қилиш қийин. Ҳар ҳил турдаги ахборотларнинг таборо кўпайиб бориши бизни уни қайта ишлашнинг янги илғор усуллари ва воситаларини жорий қилишга мажбур қилмоқда. Таълим инсон ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб,айни пайтда ушбу соҳада янги билимлар манбаи ва ушбу билимларни қўллаш соҳаси ҳисобланади. Ўкув жараёнларида ахборот-комуникатсия технологияларидан (АКТ) фойдаланиш ҳисобланади. Бугунги кунда ҳар қандай мактаб интизоми бўйича ўқитувчи Акт дан фойдаланган ҳолда дарс ўтиши керак.АКТ дан фойдаланган дарс кўргазмали, ранг-баранг, маълумотли, интерактив бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчининг вақтини тежайди.Ўқувчига ўз тезлигида ишлашга имкон беради, ўкув натижаларини тезкор кузатиб бориш ва баҳолаш имконини беради.

Таълим соҳасида иккита асосий муаммони ҳал қилиш учун ахборот-коммуникатсия технологиялари қўлланилади: ўқитиш ва бошқариш. Ўқитиш жараёнида ахборот-коммуникатсия технологияларидан, биринчидан ўкувчиларга ўқув маълумотларини тақдим этишда, иккинчидан, уларни ўзлаштиришда муваффақиятини кузатишда фойдаланиш мумкин. Компьютер ўқув дастурларидан фойдаланиладиган технологиялар, мултимедиа, проектор, ташувчи воситалар, ўқитиш технологиялари зарур хисобланади. Билим олишда, яъни маълум турдаги ахборотларни ўзлаштиришда компьютер тизимининг ёрдами бениҳоя каттадир. Ўқитишида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш стандарт анъанавий тизимга нисбатан ўқув жараёнини жадаллаштириб, талабада, ўқувчида илмга қизиқиши оширади, ижодий фаолиятини ўстиради, олинган билимларни мустаҳкамлаш ва билимларни такрорлаш ва назорат қилишни енгиллаштиради. Республикаизда ахборотлаштириш кенг йўлга қўйилиши билан ундаги ҳар бир фуқарога керакли пайтда, керакли микдорда, керакли сифатда олиш имкониятлари очилмоқда. Кун сайин ҳаётмизнинг ҳар бир соҳасига ахборот-коммуникатсия технологиялари Акт жорий этилиб, касбий фаолиятимизда сифат самарадорлигини оширмоқда. Бугунги қундалик ҳаётмизни нафақат телвизор, радио балки телефон, компьютер, планшет каби қурилмаларсиз ўтказа олмай қолдик, улардан фойдаланиб, турмушимиз мазмунини бойитамиз, иш, таълим олишдаги вазифаларимизни енгиллаштирамиз. Ҳозирги кунда барҳа соҳаларда шу жумладан таълим соҳасида ҳам турли фанларни ўқитишида акт имкониятларини жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Педагогнининг Акт соҳасидаги билимлари салоҳияти уларнинг ушбу соҳада малака оширишлари орқали амалга оширилади. Ўқитувчилар интернет воситасида турли илмий-амалий конференсиялар, семинарлар материалларидан фойдаланишлари, ҳамкорлар билан тажриба алмашиш мақсадида ҳозирги даврда кенгайиб бораётган ўқитувчилар форумларидан фойдаланишлари ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шундай экан ўқитувчилар замонавий билимга эга бўлган ўқувчиларга дарс ўтишда акт воситаларидан фойдаланиб дарс беришлари даркор. Таълим жараёнига актнинг жорий этилиши ўқитувчига касбий-мутаҳассислик фаолиятида ривожланиб, катта билим ва тажрибага эга бўлиб боришида муҳим аҳамиятга эга. АКТга оид саводхонлик ўқитувчининг ўқувчилар, хамкаслар, ота-оналар олдида ҳурматини янада оширишга хизмат қилади. Таълимга оид сайклар, веб саҳифалар, ижтимоий платформаларни ҳам ўрни катта чунки ундан ўқувчи, ўқитувчи ҳам бемалол ўзи учун керакли маълумотларни олиши дарсларда фойдаланиши мумкин.

Хозирги кунда масофавий таълим хам жуда котта. Масофавий таълимда ўқитиш бу мустақил ўқишидир. Бундай таълимда ўқитувчи, ўқувчи, талаба масофавий таълимдан фойдаланишда компьютер, модем ва телефон қурилмалар билан таъминланган бўлиши керак. Хозирги кунда масофадан ўқитиш дунёнинг кўпгина ривожланган давлатларида кенг тарқалган бўлиб, шу жумладан Ўзбекистонда Республикасида хам бу таълим тури бегона эмас. Олий ўқув юртларимизда жорий этилган масофай таълим. Moodle платформаси ёрдамида масофавий таълим ташкил этилган талабалар учун. Бундай таълимда талаба мустақил таълим олади. Ўқув қўлланмалар, адабиётлар, видео дарсликлар, слайдлар, мустақил ишлар, амалий топшириқлар, лабаратория ишлари, синов тестлари, оралиқ ва якуний тестлар хам платформага жойланади. Ўқитувчи томонидан талабалар ўртасида видео конференсиялар ташкил этиш муҳим. ZOOM дастури орқали конференсия дарслари ўтказиш мумкин. Масофавий таълимнинг таркибий қисмига демак ўқитувчи, ўқувчи, талаба ва коммуникатсия кирадкан. Масофавий ўқитишда ўқитувчи талабага ўқув материалини интернет тизими орқали ўқувчига юборади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бир қатор тавсиялар, педагогик ва психологик жараёнларда кечади, буни ҳар бир ота-она ва ўқитувчи ўйин танлашда эътиборга олиши ва аҳамият бериши талаб қилинади. Бола ёши улгайганд сари унинг дунёқараши, ўқиган китоблари, ўйнаган ўйинлари ва

ахборот технологияларининг жадал ривожланаётган инновациялари таъсирида кенгайиб боради. Ота-она энг дастлабки фундамент бўлиб, болага мактабгача бўлган даврда, боланинг қизиқишлирига қараб ўйинларни танласа китобни ўқиб бериб унга меҳр уйғотса, китобнинг нима эканлигини, унинг сир-синоатлари ҳақида маълумот берса, боланинг китобга қизиқиши кенгайиб китоб ўқишига иштиёқи шаклланиб боради. Хуллас, ҳозирги замонавий технологияларнинг жадал ривожланаётган, бу даврида бола онгни қадриятларимиз руҳида тарбиялаш ва ривожлантириш учун албатта уларда китобга яъни электрон дарсликлар қўлланмаларга бўлган меҳрни янада кучайтиришимиз мақсадга мувофиқдир.

АКТ-бу ахбарот-коммуникатсия технологиялари қисқартмаси.

АКТнинг афзаликлари шундаки, улар маълумотлардан фойдаланишини осонлаштиради, жамоатчилик тушунчасини кенгайтиради, фикрлашнинг янгги усусларини илгари суради, таълим соҳасида улар ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги фарқни бартараф этади.

АКТ нинг камчиликлари маълумотлар жуда кўп аммо улар тартибсиз, тарқоқ бу жуда котта бўлиши мумкин. Қурилмалар ва асбоблар платформалар сифатида доимий равишда янгиланишини талаб қиласди, шахсий маълумотларнинг заифлиги хавфини оширади. АКТ дан фойдаланиш учун етарли жой ва компьютер технологиялари билан тъминлаш талаб этилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1.Ишмухаммедов Р М.Юлдашев."Таълим ва тарбияда инноватцион педагогик технологиялар".

#### **Электрон таълим ресурслар**

- 1.[WWW.ziyonet.uz](http://WWW.ziyonet.uz)
- 2.[WWW.corcera.org](http://WWW.corcera.org)
- 3.[WWW.edunet.uz](http://WWW.edunet.uz)